

Музаккир-эслатувчининг одоби



10:00 / 09.05.2019 3436

Х боб

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: «Музаккирда бўлиши шарт энг биринчи хислат солиҳликдир, чунки солиҳ бўлмаса, ақлли кишилар ундан қочиб, фақат нодонлар эргашади. Шундан кейин олам фасод бўлади. Солиҳ бўлмаса, сўзи қалбларга фойда бермайди. Музаккир яна тақводор бўлиши, саҳиҳ бўлмаган ҳадисни ривоят қилмаслиги керак. Чунки Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Набийдан соллаллоҳу алайҳи васаллам ривоят қилган ҳадисда айтиладики: «Ким бир ҳадисни ривоят қилса ва уни ёлғон деб ўйласа, у ёлғончиларнинг биттасидир». Шунингдек, даъватчи мажлисни чўзиб юбормаслиги лозим. Агар чўзиб юборса, инсонлар малолланиб қолади ва бу ҳол илмнинг баракасини кетказди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтадилар: «Қалбларда фаоллик ва юзланиш, уларнинг келиши ва қайтиб кетиши бор. Қавм сендан илмни қабул қилиш учун юзланганида гапир».

Зухрий ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қалбларга бир соат-бир соат дам беринглар», деб айтдилар.

Зайд ибн Аслам отасидан ривоят қилади: «Бани Исроилдаги бир қози қавмига узун-узун мавъиза қилар эди. Бас, уларни малоллантириб қўйди, натижада ўзи ҳам лаънатланди, улар ҳам лаънатладилар».

Музаққир (эслатувчи, даъватчи) мулойим, тавозеъли бўлиши, мутақаббир, дағал, қўпол бўлмаслиги лозим. Чунки тавозеъ ва мулойимлик Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ахлоқларидир. Аллоҳ таоло:

«(Эй Муҳаммад), Аллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар қўпол, қаттиқ дил бўлганингизда эди, албатта, улар атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар» (Оли Имрон сураси, 159-оят), деб айтган.

Агар у инсонларга намоз, рўза, садақанинг фазилатларидан бирор нарсани хабар бермоқчи бўлса, аввал ўзи айтаётганига амал қилиши лозим. Токи қуйидаги оят аҳлидан бўлиб қолмасин:

«Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?» (Бақара сураси, 44-оят).

Иброҳим Нахаъий айтадилар: «Мен учта оят сабабли қисса айтишни ёмон кўрдим». Дарҳақиқат, у оятларни юқорида зикр қилиб ўтдик.

Музаққир Куръон тафсирларини, хабар-ҳадисларни, фуқаҳоларнинг сўзларини ўрганган бўлиши керак. Али ибн Абу Толиб инсонларга ҳикоя айтаётган кишини кўриб: «Носих ва мансухни биласанми?» деб сўрадилар. У: «Йўқ», деди. Шунда Али унга: «Ҳалок бўлибсан ва ҳалок қилибсан», дедилар.

Музаққир гапираётганида бир кишига эмас, оммага юзланиши лозим. Ҳабиб ибн Абу Собит айтадиларки: «Гапираётганда фақат бир кишига юзланмасдан, бутун жамоага қараб гапириш суннатдир».

Музаққирнинг тамагир бўлиши асло мумкин эмас. Чунки тама инсоннинг обрўсини туширади, юзининг ва илмининг қадрини кетказди. Аммо бир

инсон масала сўрамасдан олдин унга ҳадя берса, унинг ҳадясини қабул қилишнинг зиёни йўқ.

Музаққирнинг мажлисида хавф ва ражо бўлиши лозим. Мажлиснинг ҳаммасини бутунлай хавф ёки ражо қилмайди. Чунки бундан қайтарилгандир. Агар музаққир мажлисни узун қилишни хоҳласа, унга мажлиснинг орасида инсонларга ёқадиган ва табассум қилинадиган сўзларни қўшиши мустаҳаб. Чунки бу иш эшитишга қизиқиш ва иқболни зиёда қилади. Умар розияллоҳу анҳу ҳақларида ривоят қилинишича, агар у киши мажлисга ўтирсалар, инсонларни охиратга рағбатлантирар ва дунёга берилиб кетишдан қайтарар эдилар. Агар инсонларнинг дангасалик қилаётганини кўрсалар, дарахт экиш, бино тиклаш, деворлар қуриш ҳақида гапирар эдилар. Агар инсонларни ғайратли, шижоатли ҳолатда кўрсалар, охират зикрига қайтарардилар.

«Бўстонул Орифийн» китобидан